

**АЗОТЛИ-ОЛТИНГУГУРТЛИ СУПРЕФОС**  
**«СУПРЕФОС-NS» (N:P:Mg:Ca:S)**  
**Ts 00203074-27-2014**

Сотувдаги номланиши - **СУПРЕФОС-NS**  
 Синоними - **C-NS**  
 Кимёвий формуласи - **CaHPO<sub>4</sub>, (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, NH<sub>4</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub>, (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>H<sub>2</sub>PO<sub>4</sub>**

«Супрефос-NS» (N:P:Mg:Ca:S) нейтрал холдаги концентранган, мураккаб аралашмали донатор азотли-олтингуртли ўғит переципат, сульфат аммоний ( таркибида аммиакли азот ва фаол олтингурт бўлган) асосида ва аммоний фосфатлар, таркибида 85% ортиқ фаол моддалар : азот, фосфор, олтингурт, кальций, магний, тузлари мавжуд бўлган, ҳар бир дончасида бир текис тақсимланиб, ўсимликлар учун қулай шаклда яратилган.

Кўрсаткич номи	Марка меъёри				
	А		Б	В	Г
	олий нав	1 нав			
Ташқи кўриниши, ранги ва ҳиди	Оч ва тўқ тусли, кулранг-жигарранг гранулалар, ҳидсиз				
1 Таъсир этувчи моддалар, камида, %	90	85	85	80	80
2 Умумий фосфатларнинг массавий улуши, %	27 ±1	24 ±1	20 ±1	22 ±1	20 ±1
3 Сувда эрувчан фосфатларнинг массавий улуши, %	8 ±1	6 ±1	5 ±1	6 ±1	5 ±1
4 Аммиакли азотнинг массавий улуши, %	13 ±1	12 ±1	15 ±1	8 ±1	10 ±1
5 Магнийнинг массавий улуши, MgO да ҳисоблаганда, камида, %	0,5	0,5	1,0	2,0	2,0
6 Кальцийнинг массавий улуши, CaO да ҳисоблаганда, камида, %	12	14	10	12	10
7 Олтингуртнинг массавий улуши, SO <sub>3</sub> да ҳисоблаганда, камида, %	20	25	22	23	21
8 Сувнинг массавий улуши, кўпи билан, %	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0
9 1 % ли эритма рН, камида, %	5,5	5,5	5,5	5,5	5,5
10 Гранулометриқ таркиб: куйидаги ўлчамли доналар массавий улуши: 1 мм дан 4 мм гача, камида, % 1 мм дан кичик, кўпи билан, % 6 мм дан кичик, %	95 5 100	95 5 100	95 5 100	95 5 100	95 5 100
11 Доналарнинг статик пишиқлиги, камида, МПа (kgf/cm <sup>2</sup> )	3,0 (30)	3,0 (30)	3,0 (30)	3,0 (30)	3,0 (30)
12 Сочилувчанлик, %	100	100	100	100	100

Изох

- 1 Азот ва фосфор масса улушларининг юқори чегараларини оширишга йўл қўйилади.
- 2 Чакана савдо учун мўлжалланган маҳсулот доналарининг пишиқлиги ва сочилувчанлиги меъёрлаштирилмайди ва белгиланмайди.
- 3 Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотнинг донаторлик таркиби, маҳсулот етказиб берувчи ва ташқи иқтисодий компания ёки чет эллик харидор ўртасида тузилган шартнома (контракт) талабларига мувофиқ бўлиши керак.

### ҚўЛЛАНИШИ

қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо учун мўлжалланган, ҳар қандай тупроқли ерларда, турли ҳил зоналарда ва барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда кенг фойдаланиш учун тавсия этилади

### ТРАНСПОРТДА ТАШИШ

қадоқланган холда полиэтилен пакетларда, полипропиленли, полиэтиленли, қоғозли қопларда, биг-бегларда, контейнер ёки тўкма холда.

### ТАМҒАЛАШ

босма равишда амалга оширилиб, босма иссиқ холда туширилади, штемпель ёрдамида ёки санчиб тешиш орқали амалга оширилади, шунингдек ёрлиқ қадоққа ва транспорт тарасига ёпиштирилади ёки ҳар бир қадоқнинг, ҳар бир транспорт тарасининг иккиламчи қадоғининг ичига солинади ёки истеъмолчи билан келишилган ҳолда тамғалашнинг бошқа усулларини қўлланилади.

### САҚЛАШ

ёпиқ, иситилмайдиган, атмосфера ёғингарчиликлари (ёмғир, қор) ва ер ости сувлари тушмайдиган омборларда сақланади.

СУПРЕФОС-NS ни яроқлилиқ муддати – чекланмаган.

Корхонада ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO 50001, O'z DSt ISO 9001, O'z DSt ISO 14001, O'z DSt OHSAS 18001, O'z DSt ISO 50001 стандарт талабларига мувофиқ сифат менеджменти тизими ишлаб чиқилган, сертификатланган ва тадбиқ қилинган.

Ўзбекистан 110100 Ташкент вилояти Олмалиқ шаҳар АО «Аммофос-Максам»  
Факс: 70-613-31-32, 70-613-05-70  
Дирекция телефони: 78-150-41-41, 70-613-31-32  
Тижорат бўлими телефон рақами: 78-150-58-14, 70-613-05-70  
E-Mail: [info@ammofos-maxam.uz](mailto:info@ammofos-maxam.uz) [www.ammofos-maxam.uz](http://www.ammofos-maxam.uz)

## ТАРКИБИДА АЗОТ ОЛТИНГУГУРТ «СУПРЕФОС- NS»НИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Супрефос-NS ўғитининг ноёб формуласи таркибида 45 % гача преципитат (ҳаракатланувчи калийли аммиаксиз фосфорли ўғит), 35 % гача аммоний сульфат (таркибида 21% аммонийли кўринишдаги азот ва 10 %, ҳаракатланувчи ўсимликлар енгил ўзлаштирадиган олтингугурт) ва (10-15) % моно- ва диаммонийфосфат бўлган мураккаб, физиологик нейтрал уни ҳар қандай тупроқли ерларда барча турдаги экинларга, шунингдек ҳимояланган тупроқ шароитларида қўллашга имкон беради.

Супрефос-NS - юқори концентрацияланган (озиқа моддалари 85 % дан зиёд), физиологик нейтрал самарали, ҳаракатланувчи кальций, магний ва темир билан бойитилган ўғит.

Ўғит таркибида секинлик билан таъсир этувчи преципитат фониди енгил эрувчан азот ва фосфорнинг енгил эрувчан формаларининг мавжудлиги, кузги экинларни экишда, лалми (баҳорги) экинлар учун ерни кузда шудгорлаш вақтида ёки лалми экинларни экишда ўғитнинг тўлиқ меъёрини ерга солишнинг имконини беради.

Ёғингарчилик кам бўладиган чўл-дашт регионларида Супрефос-NS ни ерга куздан бошлаб нафақат кузги экинларга, балки лалми экинларга ҳам солиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бунда ўғитнинг ернинг чуқурроқ, камроқ қурийдиган қатламида ўрнашиши таъминланади.

Келтирилган компонентнинг ва таъсир этувчи моддаларнинг ўзаро нисбати бўйича Супрефос-NS нинг хоссалари қуйидагича:

- ўғит таркибидаги енгил ҳаракатланувчан, эрувчан таркибий моддалари (аммоний сульфат, аммофос, диаммонийфосфат) экинларнинг фосфорга нисбатан кўпроқ азотни талаб қилинадиган вегетация даврида ривожланишининг энг қулай шароитларини таъминлайди;
- ўсимликларнинг томир тизимининг ва ер усти қисмининг ривожланиши таркибида фосфордан ташқари ҳаракатланувчан фаол кальций бўлган преципитат фониди кечади;
- аммиакли азот кислотасигача оксидловчи нитрафикациян бактерияларнинг фаол таъсирига тўсқинлик қиладиган фосфор нейтрал ўғитларнинг бор бўлиши, азотнинг агрохимёвий самарасини 30 % гача ошириб, унинг таъсир қилиш муддатини ўзайтиради;
- фосфор таъсирининг давомийлиги Супрефос-NS нинг  $P_2O_5$  бўйича агрохимёвий самаралигини 20 % га оширади.

Экишдан олдин шудгорлашда ернинг чуқурроқ қатламларига дозанинг 100 % ни ерга солиниши қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиши даври давомида мукамал озиқани таъминлайди, экинлар ривожланишининг айрим даврларида ўсимлик илдизини қўшимча озиқлантиради.

Кузги ва баҳорги шудгорлашда, лалми экинлар учун кузги шудгорлаш вақтида, боғ ва узумзорларни кузда ва баҳорда чопилганида ўғитни ерга солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Азотли қўшимча озиқани талаб этмайдиган экинлар учун (нўхат, хашаки нўхат, шабдар, берсим) ўғитнинг тўлиқ меъёрини бир маротаба солиш (ерни тайёрлаш ёки экиш вақтида), қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиши даври давомида тўлиқ озиқаланишини таъминлайди.

Супрефос-NS таъсирининг давомийлиги туфайли уни ҳар қандай тупроқли ерларда бошқа барча турдаги ўғитлар билан бўлак-бўлак қилиб солиш ва қўшимча озиқлантириш учун кенг қўллаш мумкин.

Турли хил экинлар учун ўғитни ерга солиш дозаси қуйидагича:

Томорқа хўжалиги учун:

- кузги ёки баҳорги шудгорлаш вақтида ёки лалми экинлар учун кузда шудгорлаш вақтида 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилган ерга (18-30) г (1-1,5 ош қошиқ) ва 1 м<sup>2</sup> маданийлаштирилмаган ерга (25-30) г (2 ош қошиқ);
- мевали дарахтларга эрта баҳорда дарахтларнинг таги юмшатиладиганда дарахт танаси атрофидаги айлананинг 1 м<sup>2</sup> га (18-36) г (1-2 ош қошиқ) калийли ўғитлар билан биргаликда солинади;
- тайёрланмаган ерларга экиш вақтида эгатнинг 1 п/метрига (3-5) г (1 чой қошиқ) ва кўчатларни экиш вақтида ҳар бир кўчат ости чуқурчасига (1-2) г (ўғит тупроқ билан аралаштирилиши лозим ёки экилаётган сатҳидан (2-3) см чуқурроқда солинади. Уруғли

экинларни экишда ўғитни уруғ билан аралаштириб қўллаш мумкин, масалан лавлагини экишда (0,6-0,9) г/га.

- тайёрланмаган ерларга экилган сабзавот, ертути ва гулларни озиклантириш учун 1 м<sup>2</sup> га (2-10) г (2 чой қошиқ).

Мевали буталар, қулупнай, ертути учун баҳорги ёки кузги чопиқ вақтида ерга солинадиган доза - 1 м<sup>2</sup> га (20-25) г миқдорида тавсия қилинади. Буғхона ва иссиқхоналарда ер чопиқ қилинганида калийли ўғитлар билан биргаликда 1 м<sup>2</sup> га (40-50) г солинади.

Саноат деҳқончилиги учун:

Экинлар	Йиллик эҳтиёж, kg/ha			Асосий ерга солиш kg/ha		Қўшимча озика N ва K <sub>2</sub> O kg/ha
	N асосий (*)	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> асосий (**)	K <sub>2</sub> O	Супрефос-NS асосий (**)	Қўшимча	
Вўза	240 (170)	170 (140)	125	850 (680)	+ K	100 N+K
Каноп	200-240 (140-140)	180-200 (140-160)	150-160	850-1000 (680-800)	+ K	45-70 N+K
Дон-бошоқли экинлар	200 (140)	120 (100)	60-75	600-750 (500-600)	+ K	65-80 N+K
Кузги буғдой, суғориладиган арпа	180 (130)	90-100 (70-80)	60	450-500 (360-400)	+ K	60-80 N
Лалми буғдой, арпа	180 (130)	90-100 (70-80)	60	450-500 (360-400)	+ K	90-100 N
Маккажўхори ва уруғли жўхори	250 (180)	170 (140)	80	850 (680)	+ K	100 N
Маккажўхори ва силос учун жўхори	250-300 (180-210)	100-150 (80-120)	100-120	500-750 (400-600)	+ K	75-130 N+K
Маккажўхори ва силос учун жўхори	250-300 (180-240)	100-150 (80-120)	100-125	500-750 (400-600)	+ K	130-150 N+K
Люцерна	50-60 (35-42)	100 (80)	50	500 (400)	+ K	-
Мевали боғлар	120-180 (85-130)	90 -135 (70-110)	30-45	400-675 (320-540)	+ K	45-65 N
Мевали узумзорлар	120-180 (85-130)	90 -135 (70-110)	30-45	400-675 (320-540)	+ K	35-50 N
Ҳосилсиз боғ ва тоқзорлар	60-70 (40-55)	100-150 (80-120)	-	500-750 (400-600)	+ K	-

Изоҳ

\* - преципитат иштирокида самарадорликнинг ошишини ҳисобга олган ҳолда

\*\* - таъсирнинг давомийлиги ҳисобига самарадорликнинг ошишини ҳисобга олган ҳолда